

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10655134>

Нурбаев Ҳурмуҳаммад Холматжонович

*Имом Бухорой номидаги Тошкент ислом институти
“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси мудири,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси 1-курс таянч докторанти*

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ШАХСИЙ СИФАТЛАРИ

Имом Бухорий озғин ва ўрта бўйли киши бўлганлар. У киши дунёдан зоҳид ҳолда ўтганлар. Оталаридан ўзларига қолган кўп миқдордаги молни садақа қилар эдилар.

Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ жуда оз таом ер эдилар. Баъзи вақтларда кунига икки ёки уч дона бодом еган кунлари ҳам бўлган. Бир сафар бемор бўлганларида пешоблари табибларга кўрсатилган. Шунда улар: «Бу баъзи насоро роҳибларининг пешобига ўхшайди. Улар одатда таом ейишмайди», дейишган. Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ: «Тўғри айтишибди», деганлар.

Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳнинг ўзлари айтадилар: «Ғийбат ҳаромлигини билганимдан буён бирор кишини ғийбат қилганим йўқ».

Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ ўз хоналарида эдилар. Жория келиб, у ерга кирмоқчи бўлди ва қоқилиб, у кишининг олдиларидаги сиёҳдонни тепиб юборди. «Бу қандай юриш?» дедилар. «Йўл бўлмаса, қандай юрай?» деди жория. У киши қўлларини ёйиб: «Кетавер! Сени озод қилдим!» дедилар. «Эй Абу Абдуллоҳ! У сизнинг ғазабингизни чиқардимиз?» дейилди. «Қилган ишим ила нафсимни рози қилдим», дедилар.¹³⁷

Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳнинг мирзалари шундай ҳикоя қилади: «Бухорийга отасидан жуда катта мол мерос қолган эди. Уни музорабага берар эди. Қарздор унинг йигирма беш мингини бермай қўйди. Унга: «Волийнинг мактубини олсанг, ёрдам бўлади», дейишди. Шунда у киши: «Мен улардан мактуб олсам, улар мендан тамагир бўлиб қолишади. Динимни дунёга сотмайман», дедилар.

Имом Бухорийга Абу Ҳафс берган юкни келтиришди. Кечқурун бир гуруҳ тижоратчилар келиб, унга беш минг дирҳам фойда беришни таклиф қилишди. У: «Бу кеча бориб туринглар», деди. Эрталаб бошқа тожирлар келди ва ўн минг дирҳам фойда беришни таклиф қилишди. У: «Мен кечқурун аввал келганларга беришни ният қилган эдим, ниятимни бузишни истамайман», деди ва молни ўшаларга берди».

¹³⁷ Сахиҳул Бухорий: ал-Жомеъ ас-Сахиҳ 2 китоб. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Абдулазиз Мансур таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Т. 1. 712 Б. Т. 2. – Б. 624.

Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳнинг мирзалари шундай дейди: «У кўпинча улов миниб, ўқ отгани чиқиб турар эди. У кишига ҳамроҳ бўлганим давомида ўқлари мўлжалга тегмай қолганини фақат икки марта кўрганман. Бошқа барчаси теккан.

Фирабрада турганимизда бир куни ўқ отгани чиқдик. Бандаргоҳга олиб борадиган йўлга чиқиб, ўқ ота бошладик. Абу Абдуллоҳнинг ўқларидан бири анҳор устидаги кўприкнинг арқонига тегди. Арқон ёрилди. У буни кўриб, уловидан тушди. Ўқни арқондан чиқариб олди. Ўқ отишдан тўхтади ва: «Қайтинглар!» деди. Биз қайтдик. Шунда у менга: «Эй Абу Жаъфар! Сенга ҳожатим бор», деди оғир нафас ола туриб. «Хўп!» дедим. «Кўприк эгасининг олдига борасан. «Биз арқонга зарар етказдик. Бизга унинг ўрнига бошқасини тортишга ёки қийматини тўлашга ижозат беришингни ва бизни қилган нарсамиз учун кечиринингни сўраймиз», дейсан», деди.

Кўприк эгаси Ҳумаид ибн Ахзар исмли одам эди. У менга: «Абу Абдуллоҳга салом айт ва «Сенинг қилган ишингни кечирдим. Барча мулким сенга фидо бўлсин», деганимни унга айтиб қўй», деди.

Мен унга бор гапни айтдим. Унинг юзи ёришиб кетди. Кўп хурсанд бўлди. Ўша куни ғарибларга беш юзта ҳадис ўқиб берди ва уч юз дирҳам садақа қилди»¹³⁸.

Имом Бухорий Аллоҳ таолонинг муқарраб бандаларидан бўлиб, ихлос, садоқат ва ибодатда мисли йўқ кишилардан эдилар. Имом Бухорийнинг ибодатлари ҳақида «Тарихи Бағдод» ва бошқа китобларда қуйидаги маълумотлар келтирилган: «Рамазон ойининг биринчи кечасида имом Бухорий ҳузурларига асҳоблари жамланар ва у киши ҳар ракъатга йигирма оятдан қўшиб ўқиб, хатм қилар эди. Саҳар пайтида эса Қуръоннинг учдан биридан ярмигача ўқиб, учинчи кечанинг саҳарида хатм қилар эди. Бир куни у киши намоз ўқиётганида, ари чақди. Намозни ўқиб бўлиб: «Қаранглар-чи, намозимда менга озор берган нарса нима экан?» деди. Қарасалар, бир ари ўн етти марта чақиб, танасини шишириб юборган экан. Намозни бузмабди».

Бошқа бир ривоятда айтилишича, асҳобларидан бири у кишини ўз боғига чақирибди. Пешин намози бўлган экан, одамларга имом бўлиб, нафл намоз бошлабдилар. Қиёмда узоқ турибдилар. Намозни тамом қилганидан кейин кўйлагининг этагини кўтариб, ўзи билан бирга бўлган шахслардан бирига: «Қара-чи, кўйлагимнинг остида бир нарса борга ўхшайди», дебдилар. Қараса, ари ўн олти-ўн етти жойидан чақиб, баданини шишириб юборган экан. Ари чаққан излар жисмида очиқ кўриниб турган экан. Одамлар у кишига: «Биринчи чаққандаёқ намоздан чиқсангиз бўлмасмиди?!» дейишибди. «Бир сурани ўқиётган эдим, тугатиб қўяй деган эдим», дебдилар.

Имом Бухорийнинг сафарларида кўпинча бирга бўлган Муҳаммад ибн Абу Ҳотим эслайди: «У киши саҳар чоғи ўн уч ракъат намоз ўқир эдилар. Витрни бир

¹³⁸ Бадруддин Айний. Умдатул қорий шарҳу Саҳиҳ ал-Бухорий (Саҳиҳул Бухорийни шарҳлашда ўқувчини таянчи) – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2009. – Б. 566.

ракъат қилардилар. Ўзлари турганда мени уйғотмас эдилар. «Ўзингиз шунча оғирликни кўтариб, мени нимага уйғотмайсиз?» десам: «Сен ёшсан, уйқунгни бузмай дедим», дер эдилар».

Имом Бухорий Басрада беш йил яшаганлар. Ўша йиллари китоб ёзиш билан машғул бўлишларига қарамай, ҳар йили ҳаж мавсуми келганда, Маккага бориб ҳаж қилар ва қайтиб келиб, яна илмий ишларини давом эттирар эдилар. Имом Бухорий илмий ишларни афзал ибодатлардан деб билар эдилар. У киши бош асарлари «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китоблари ҳақида: «Уни ўзим билан Аллоҳ аzza ва жалланинг орасида ҳужжат қилдим», деганлар.

Бошқа илмий асарлари ҳақида эса: «Аллоҳ таолодан бу таснифотларни муслмонлар учун баракали этишини умид қиламан», деганлар.

Имом Бухорий тоат-ибодатга тарғиб қилиш борасида: «Муслмон киши дуо қилса, ушбу дуо қабул бўлмайдиган ҳолатда юриш унга ярашмайди», деганлар.

Имом Бухорий яхши амалларни иложи борица кўп қилиш пайдан бўлар эдилар. У киши Бухоро яқинида бир работ қурганлар. Жуда кўп одам бу ишда у кишига ёрдамга келган. Шундай бўлса ҳам, имом Бухорий ўзлари ғишт ташиб, ишлаганлар. Одамлар: «Эй Абу Абдуллоҳ! Сиз овора бўлманг», дейишди. «Мана шу менга манфаат беради», дедилар у киши.

Имом Бухорийнинг ибодатлари ҳам, амаллари ҳам илм асосида бўлар эди. У киши Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроққа: «Мен ақлимни таниганимдан буён бирон нарсани илмсиз қилган эмасман», деганлар.

Имом Бухорийнинг устозлари

Имом Бухорий илм ва ҳадис талабида умрларининг кўп қисмини сафарда ўтказганлари аввал ҳам айтиб ўтилган эди. Шунинг учун у кишининг устозлари жуда кўп бўлган. Муҳаддис бир кишидан биттагина ҳадис ривоят қилган бўлса ҳам ўша шахс унга устоз, муҳаддислар истилоҳида «шайх» ҳисобланади.

«Тарихи Бағдод» китобида зикр қилинишича, имом Бухорийнинг ўзлари: «Мен мингдан ортиқ шайхдан ҳадис ёзиб олганман», деганлар¹³⁹.

Мутахассис уламолар имом Бухорийнинг устозларини икки қисмга тақсимлашади.

Биринчи қисм: иқлимлар ва шаҳарлар бўйича

Макка:

1. Абул Валид Аҳмад ибн Муҳаммад Азрақий.
2. Абдуллоҳ ибн Язийд Муқрий.
3. Исмоил ибн Солим Соиф.
4. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Зубайр Ҳумайдий ва бошқалар.

Мадина:

1. Иброҳим ибн Мунзир Ҳизомий.

¹³⁹ Саҳиҳул Бухорий: ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ 2 китоб. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Абдулазиз Мансур таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Т. 1. 712 Б. Т. 2. – Б. 624.

2. Мутарриф ибн Абдуллоҳ.
3. Иброҳим ибн Ҳамза.
4. Абу Собит Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ.
5. Абдулазиз ибн Абдуллоҳ Увайсий.
6. Яҳё ибн Қаззаъа ва бошқалар.

Шом:

1. Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрий.
2. Абу Наср Исҳоқ ибн Иброҳим.
3. Одам ибн Абу Иёс.
4. Абул Ямон Ҳакам ибн Нофеъ.
5. Ҳаёт ибн Шурайҳ ва бошқалар.

Бухоро:

1. Муҳаммад ибн Салом Пойкандий.
2. Муҳаммад ибн Юсуф Бухорий.
3. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муснадий.
4. Ҳорун ибн Ашъас ва бошқалар.

Марв:

1. Алий ибн Ҳасан ибн Шақийқ.
2. Абдон ибн Усмон.
3. Муҳаммад ибн Муқотил ва бошқалар.

Балх:

1. Маккий ибн Иброҳим.
2. Яҳё ибн Бишр.
3. Муҳаммад ибн Абон.
4. Ҳасан ибн Шужоъ ва бошқалар.

Ҳирот:

Аҳмад ибн Абдуллоҳ Ҳанафий.

Найсобур:

1. Яҳё ибн Яҳё Тамиймий.
2. Бишр ибн Ҳакам.
3. Аҳмад ибн Ҳафс.
4. Муҳаммад ибн Яҳё Зухлий ва бошқалар.

Рай:

Иброҳим ибн Мусо.

Бағдод:

1. Муҳаммад ибн Ийсо Таббоъ.
2. Муҳаммад ибн Собиқ.
3. Сурайж ибн Нуъмон.
4. Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқалар.

Басра:

1. Абу Осим Набил.
2. Сафвон ибн Ийсо.
3. Бадал ибн Муҳаббир.
4. Ҳарам ибн Ҳафс ва бошқалар.

Восит:

1. Ҳассон ибн Ҳассон.
2. Ҳассон ибн Абдуллоҳ.
3. Саъийд ибн Сулаймон ва бошқалар.

Куфа:

1. Убайдуллоҳ ибн Мусо.
2. Абу Нуъайм.
3. Аҳмад ибн Яъқуб.
4. Исмоил ибн Абон ва бошқалар.

Миср:

1. Усмон ибн Солиҳ.
2. Саъийд ибн Абу Марям.
3. Асбағ ибн Фараж ва бошқалар.

Жазийра (Дажла ва Фурот орасидаги ерлар)

1. Аҳмад ибн Абдулмалик Ҳарроний.
2. Аҳмад ибн Язийд Ҳарроний ва бошқалар.

Иккинчи қисм: Табақотлар бўйича

Абулфазл Мақдисий ва бошқа уламоларнинг таъкидлашларича, имом Бухорийнинг машҳур «Саҳиҳ» китобларида келтирилган ҳадисларни олган шайхлари беш табақадан иборатдир.

Биринчи табақа:

Имом Бухорий билан ҳадисни ривоят қилувчи тобеъин орасида фақат битта ровий бор, холос.

Улардан бири Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ансорийдир. Имом Бухорий у орқали Ҳумайддан, у Анасдан ривоят қилган.

Маккий ибн Иброҳим ва Абу Осим Набил ҳам биринчи табақага кирадилар. Имом Бухорий улар орқали Язийд ибн Абу Убайддан, у Салама ибн Акваъдан ривоят қилган.

Улардан яна бири Убайдуллоҳ ибн Мусодир. Имом Бухорий у орқали Маъруфдан, у эса Абу Туфайл ва Алидан ривоят қилган.

Юқорида зикри келганларга ўхшаганлар биринчи табақадан ҳисобланади.

Иккинчи табақа:

Тобеъинлардан ҳадис олган имомлардан ривоят қиладиган одамлардир. Жумладан қуйидагиларни зикр қилиш мумкин:

Ҳижозликлардан: Ибн Журайж, Молик, Ибн Абу Зеъб, Ибн Уяйна.

Шомликлардан: Шуъайб, Авзоъий ва иккисининг табақасидагилар.

Ироқликлардан: Саврий, Шуъба, Ҳаммоод, Абу Авона, Ҳаммам.

Мисрликлардан: Лайс, Яъқуб ибн Абдуррахмон.

Бу табақадагилар ҳам жуда кўп. Биз улардан баъзиларини зикр қилдик.

Учинчи табақа:

Имом Бухорий кўрган, аммо улардан ҳадис эшитмаган кишилар.

Бу табақага Язийд ибн Ҳорун ва Абдурраззоқ мисол бўлади.

Тўртинчи табақа:

Имом Бухорийнинг табақаларидаги кишилар бўлиб, улар орқали ўз шайхларининг ривоятларини олган. Буларга Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Идрис мисол бўлади.

Бешинчи табақа:

Санад, ёш, вафот ва маърифатда имом Бухорийдан кейин турадиган одамлар бўлсалар ҳам, у киши улардан ривоят қилган. Уларга Абдуллоҳ ибн Ҳаммоод Омулий ва Ҳусайн Қаббоний мисол бўлади.

Мақдисийнинг айтишича, имом Бухорийнинг ўзлари: «Муҳаддис токи ўзидан юқори, ўзи тенги ва ўзидан кичиклардан ривоят қилмагунча, комил бўла олмайди», деганлар.

Имом Бухорийнинг шогирдлари

Имом Бухорийнинг шогирдлари ниҳоятда кўп бўлган. Мўътабар манбаларнинг гувоҳлик беришича, улуғ олим ҳаётининг бош китоби бўлмиш «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»дан у кишининг бевосита раҳбарликларида тўқсон минг киши таълим олган. Уларнинг сафида машҳур муҳаддислар Муслим ибн Ҳажжож, имом Термизий, имом Насоий, Ибн Ҳузайма, Ибн Абу Довуд, Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрий, Иброҳим ибн Маъқил Насафий, Ҳаммоод ибн Шокир Насафий, Мансур ибн Муҳаммад Баздавий ва яна кўплаб улуғ олимлар бор.

Ҳали болалик чоғларидаёқ имом Бухорийнинг шогирдлари сон-саноксиз бўлиб кетган эди. Ёшлик пайтларида Басра аҳлининг маърифат толиблари у кишининг ортларидан югуришар эди. Ҳаттоки йўл устига ўтирғизиб олиб, мажбур қилиб ҳадис сўрашарди.

Ўша мажлисларда минглаб одам жамланар эди. Уларнинг кўпчилиги одамлар ҳадисларини ёзиб оладиган шайхлар бўларди. Имом Бухорий эса ҳали мўйлаби чиқмаган ёш бола эди.

«Тарихи Бағдод» китобида бу ҳақда шундай дейилган: «Абу Бакр ал-Аъйян айтади: «Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрийнинг эшиги олдида Муҳаммад ибн Исмоилдан ҳадис ёзиб олдик. Ўшанда унинг юзида бирорта ҳам тук йўқ эди. Бир марта Бухорий Басрага келганида жарчи: «Эй аҳли илмлар! Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий келди!» деб жар солди¹⁴⁰.

¹⁴⁰ Бадруддин Айний. Умдатул қорий шарҳу Саҳиҳ ал-Бухорий (Саҳиҳул Бухорийни шарҳлашда ўқувчини таянчи) – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2009. – Б. 566.

Уни излаб борганлар Басра жомеъ масжидида, устун ортида намоз ўқиётган қоп-қора соқолли ёш йигитни кўрдилар. У намозини ўқиб бўлиши билан ўраб олиб, улар учун имло мажлиси қуришини илтимос қилишди. У киши рози бўлдилар.

Шунда жарчи Басра жомеъ масжидида туриб, иккинчи марта: «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий келди! Биз ундан имло мажлиси қуришини сўрадик! У эртага фалон жойда мажлис қуришга рози бўлди!» деб жар солди. Эртасига фақиҳлар, муҳаддислар, ҳофизлар ва нозирлардан бир неча минг одам жамланди.

Бағдодда ҳам у кишининг минглаб шогирдлари бор эди. Абу Алий Солиҳ ибн Муҳаммад Бағдодий айтади: «Муҳаммад ибн Исмоил Бағдодда мажлис қуради эди. Мен унинг имлосини одамларга етказиб турар эдим. Унинг мажлисига йигирма мингдан зиёд одам жамланар эди».

Қисқа қилиб айтганда, имом Бухорий шогирдларининг саноғига етиш қийин. Ўша вақтдаги кўзга кўринган барча олимлар у кишига шогирд бўлган, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Имом Бухорий ҳақларида айтилган мақтов ва таърифлар

Аллоҳ таоло имом Бухорийга катта фазл ва шараф ато қилди. Илм йўлида қилган хизматлари самараси сифатида у кишининг шуҳратларини бутун дунёга таратди. Имом Бухорий асрлар оша мўмин-мусулмонлар қалбининг тўридан жой олиб, уларнинг мақтовларига ва улуғлашларига мушарраф бўлиб келмоқдалар. У кишининг мақтовида айтилган ва ёзилган гапларни тўлиқ келтиришнинг иложи йўқ бўлса керак. Биз улардан баъзиларини тақдим этиш ила кифояланамиз.

Аҳмад ибн Сайёр Марвазий: «Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғйра Жўъфий Абу Абдуллоҳ илм талаб қилди. Одамлар ила мажлис қурди. Ҳадис излаб, сафар қилди ва унда моҳир бўлди. У гўзал маърифатли, яхши ҳофизали эди ва фақиҳлик ҳам қиларди», деган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: «Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоилдек киши чиқмаган», деган.

«Тарихи Бағдод» китобида имом Бухорийнинг ўзларидан қуйидаги ривоят нақл қилинади: «Басрага кирганимда Муҳаммад ибн Башшорнинг мажлисига бордим. У ичкаридан чиққанида, кўзи менга тушди ва: «Йигит қаердан?» деди. «Бухоро аҳлидан», дедим. «Абу Абдуллоҳни қандай ҳолда тарк қилдинг?» деди. Мен жим қолдим. Асҳоблари унга: «Аллоҳ сизга раҳм қилсин, бу Абу Абдуллоҳнинг ўзи», дейишди. У ўрнидан турди, қўлимдан ушлаб, бўйнимдан қучоқлади ва: «Хуш келибсан, кўп йиллардан буён фахрланиб юрганим!» деди».

Алий ибн Мадийнийга Бухорийнинг «Ўзимни ҳеч кимнинг олдида Алий ибн Мадийний ҳузуридагичалик кичик ҳис қилмаганман» дегани айтилганида, у: «Унинг гапини қўйинглар. У ўзи кабини учратмаган», деган экан. Бухорий Алий ибн Мадийнийнинг ўнг тарафида ўтирар эди. Ибн Мадийний ҳадис айта туриб, худди қўрққандек, Бухорийга қараб-қараб қўяр эди.

Амр ибн Алининг асҳоблари Бухорий билан бир ҳадисни музокара қилишди. У: «Бу ҳадисни билмайман», деди. Улар бундан масрур бўлиб, Амр ибн Алийнинг олдига югуришди ва унга: «Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийга бир ҳадис айтган эдик, билмайман, деди», дейишди. Шунда Амр ибн Алий: «Муҳаммад ибн Исмоил билмайдиган ҳадис ҳадис эмас», деди.

Абу Маъшар Ҳамдавайҳ ибн Хаттоб айтади: «Муҳаммад ибн Исмоил Ироқдан охирги марта келганида уни жуда кўп одам кутиб олди ва издиҳом катта бўлиб кетди ҳамда унга яхшилик кўрсатишда муболаға қилишди. Унинг ўзига одамларнинг икром ва яхшилик кўрсатиши ҳақида айтилганида: «Басрага кирган кунимизни кўрганингизда эди», деди».

Салим ибн Мужоҳид: «Олтмиш йилдан бери Муҳаммад ибн Исмоилдан кўра фақиҳроқ, парҳезкорроқ ва дунёда зоҳидроқ одамни кўрмадим», деган.

Абу Ийсо Термизий айтади: «Муҳаммад ибн Исмоил Абдуллоҳ ибн Мунирнинг ҳузуридан тураётганида, у: «Эй Абу Абдуллоҳ! Аллоҳ сени ушбу умматнинг зийнати қилсин!» деди. Аллоҳ унинг дуосини қабул қилди».

Бухорий имом Аҳмад билан видолашиб, Хуросонга кетаётганида у: «Эй Абу Абдуллоҳ! Илми ва одамларни тарк қилиб, Хуросонга кетмоқдамисан?!» деди.

Яҳё ибн Жаъфар айтади: «Агар қудратим етса, Муҳаммад ибн Исмоилнинг умрини зиёда қилар эдим. Менинг ўлимим бир кишининг ўлими бўлади. Муҳаммад ибн Исмоилнинг ўлими илмнинг кетишидир».

Ҳофиз Ражо ибн Муражжо: «Муҳаммад ибн Исмоилнинг уламолардан афзаллиги эркакларнинг аёллардан афзаллиги кабидир», деди. «Эй Абу Муҳаммад! Шунчаликми?» деди бир киши. «У Аллоҳнинг ер юзида юрган мўъжизаларидан биридир!» деди у.

Абу Амр Аҳмад ибн Наср Хаффоф: «Ким Муҳаммад ибн Исмоил ҳақида бирор номаъқул нарса айтса, мендан унга минг лаънат бўлсин!» деган.

Абдуллоҳ ибн Ҳаммод Омулий айтади: «Муҳаммад ибн Исмоилнинг кўксидаги бир тук бўлишни орзу қиламан».

Имом Муслим ибн Ҳажжож: «Фақат ҳасадгўйгина сени ёқтирмайди. Гувоҳлик бераманки, дунёда сенга ўхшаш йўқ», деган. Одамлар имом Муслимнинг Бухорий олдида худди шогирд боладек бўлиб савол сўраётганини кўришган.

Ҳусойн ибн Муҳаммад айтади: «Муҳаммад ибн Исмоилга ўхшаганини кўрмаганман. Муслим ҳам ҳофиз Муҳаммад ибн Исмоилга ета олмаган. Абу Зуръа ва Абу Ҳотимларнинг Муҳаммад ибн Исмоил нима деса эшитиб, ёнбошида ўтирганларини кўрганман».

Унга Муҳаммад ибн Яҳёнинг қиссаси айтилганда: «У киму, Муҳаммад ибн Исмоил ким? Муҳаммад ибн Исмоил умматлардан бири бўлган. У бу ишда Муҳаммад ибн Яҳёдан илми бўлган. Муҳаммад ибн Исмоил ўта диндор ва фозил бўлган. Барча ишларни яхшилаб қилган», деди.

Имом Муслим ибн Ҳажжож Имом Бухорийнинг олдига келиб, икки кўзи орасидан ўпганини ва «Эй устозларнинг устози, муҳаддисларнинг саййиди ва ҳадис иллатларининг табиби! Ижозат беринг! Икки оёғингиздан ўпай!» деганини одамлар кўришган.

Имом Нававий айтадилар: «Билки, Бухорийнинг олий мақоми, бу илмда ўз тенгдошлари ва ўхшашларидан пешқадам эканига ўтгану қолган замондаги барча иттифоқ қилади. Унинг фазли учун уни мақтаган ва яхшиликларини тарқатганларнинг кўпчилиги унинг кўзга кўринган шайхлари ва машҳур шерикларидир.

Унинг фазилатларини санашнинг имкони йўқ. Чунки улар санаш чегарасидан ташқарида ва бир неча турларга тақсимлангандир: ҳифз, англаш, таҳсил, ривоятдаги ижтиҳод, ибодат, зоҳидлик, парҳезкорлик, тадқиқот, пухталиқ, маърифат, ҳолатлар, кароматлар ва бошқалар».

Имом Бухорий ҳақида имом Заҳабий айтадилар: «У заковат, илм, парҳезкорлик ва ибодатда бош эди».

Имом Бухорий ҳақида имом Субкий шундай дейди: «У мусулмонларнинг имоми, тавҳид аҳлининг ўрнаги, мўминларнинг шайхи, Набийлар саййиди ҳадисларининг суюнчиғи, дин низомининг муҳофазачиси ва «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»нинг соҳибидир».

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Т.: “Шарқ”, 2012. – Б. 662.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: “Шарқ”. 2010. – Б. 280.
3. Саҳиҳул Бухорий: ал–Жомеъ ас–Саҳиҳ 2 китоб. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал–Бухорий. Абдулазиз Мансур таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Т. 1. 712 Б. Т. 2. – Б. 624.
4. Имом ал–Бухорий. Ал–адаб ал –муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – Б. 236.
5. Имом ал–Бухорий. Саҳиҳул Бухорий–1. – Т.: Nilol–Nashr, 2012. – Б. 133.
6. Имом ат–Термизий. Сунани Термизийил Т.1. – Т.: Қомус, 1998.
7. Нававий Абу Закариё Яҳё ибн Шараф. Риёзус–солиҳийн. –Т.: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 800.
8. Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр. 2012.– Б. 83.
9. Абдурроҳман Саховийил Аз–Зовъул Ламиъ ли аҳли қорнит тасиъ. – Байрут.: Дарул кутубил илмийя, 1990. – Б. 455.
10. Абдулҳай Лакнавий. Фавоидул баҳия. – Макка: Дор ал–башар исломия, 1982. – Б.87.
11. Бадруддин Айний. Манҳатус Сулук фи шарҳи Тухфатил Мулук. – Байрут.: Дору ихяи турсил аробийя, 1999.
12. Бадруддин Айний. Умдатул қорий шарҳу Саҳиҳ ал–Бухорий (Саҳиҳул Бухорийни шарҳлашда ўқувчини таянчи) – Байрут: Дор ал–кутуб ал–илмия, 2009. – Б. 566.